

МУҒАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



ISSN 2181-7138

№ 6/6 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Марифжон АХМЕДОВ
Гулзада БАЙМУРАТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Дилдора ДАВРОНОВА
Мәмбет ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Даврон ИСМОИЛОВ
Феруза САПАЕВА
Раънохон ОРИПОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Джавдод ПЎЛАТОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Нурзода ТОШЕВА
Ризамат ШОДИЕВ
Сурайе ШАРИПОВА
Рухшона ИСРОИЛОВА
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРҒАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы**

Өзбекстан Республикасы

**Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00**

**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етилиди. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш



ISSN 2181-7138

№ 6/6 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Марифжон АХМЕДОВ
Гулзада БАЙМУРАТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Дилдора ДАВРОНОВА
Мәмбет ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Даврон ИСМОИЛОВ
Феруза САПАЕВА
Раънохон ОРИПОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Джавдод ПЎЛАТОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Нурзода ТОШЕВА
Ризамат ШОДИЕВ
Сурайе ШАРИПОВА
Рухшона ИСРОИЛОВА
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАСHEBA

Шөлкемлестириўшилер:

Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириш
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы

Ўзбекстан Республикасы

Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00

e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда әэрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

Yorboboyeva I. B. O'smir yoshdagi o'quvchilarni oilaviy hayotga tayyorlashning psixologik imkoniyatlari	125
Kadirova D., Abdullayeva D. Boshlang'ich sinflarda tabiiy fanlarni o'qitishning uzviyligi va uzluksizligini ta'minlashining nazariy asoslari	129
Xoliyorova D. N. Boshlang'ich sinflarda tabiatshunoslik fanlarini o'qitishda ilg'or pedagogik texnologiyalaridan foydalanishga doir ilmiy-nazariy qarash	135
Эргашева Г. С., Тошманов Н. Ж. Бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёрлашда компетентли-йўналтирилган таълимнинг имкониятлари	138
Мухаммедов Ш. Қ. Табиий фанларни ўқитишда талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда фойдаланиладиган мустақил таълим шакллари	141
Ишбоева О. Х. Биология таълимини ташкил этишга замонавий ёндашувлар	145
Abdullaeva M. I. Uzluksiz pedagogik ta'lim tizimida kasbga yo'naltirish imkoniyatlari	151
Xidirov F. F., Imomalieva L. R. Tabiiy fanlarni o'qitishda metapredmetli yondashuvni amalga oshirish imkoniyatlari	153
Есанов М. Бўлажак ўқитувчиларда инсонпарварлик кадриятларини ривожлантириш омиллари	157
Тлеубаева Г. С. Иқтидорли талабаларни ўқитишда интерфаол таълим технологиялари	162
Абдурахимова Д. А. Олий ҳарбий таълим муассасаси курсантларида маънавий маданиятни юксалтириш омиллари	166
Бегимкулов И. Б. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда буюк тарихимизнинг тутган ўрни ва аҳамияти	170
Абдурахимова М. А. O'simliklarning dorivorlik xususiyatlarni o'rganish asosida talabalarning tibbiy savodxonligini rivojlantirish	174
Хайруллаева Д. Н. Методика обучения примерам этнопедагогике на уроках родного языка и читательской грамотности в 1-2-х классах	177
Ovhunov I. A. Development and prospects of educational technologies	180

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Рахматова Д. Ж. Қашқадарё вилоятида колхоз ва совхозларнинг ташкил топиши ва уларда пахта яккахокимлиги сиёсатининг олиб борилиш	183
---	-----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Qosimov F. M., Qosimova M. M. Arifmetik masalalarni yechishda tavsiya etiladigan ilmiy-usuliy mulohazalar	188
Умарзода Ш. А. “Алгоритмик тиллар ва дастурлаш асослари” фанини ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш	193
Абдуқодиров Ж. Б. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини физика фани оптикка бўлимига доир ностандарт масалаларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш	196
Allamberganov I., Karakulov A., Begjanov J. Matematika fanini tezaurusli yondashuv asosida o'qitish va uning ahamiyati	200

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Jo'rayeva M. S. Maktabgacha yoshdagi bolalar bilish jarayonini rivojlanishi, tadqiqiy bilish va refleksiv faoliyatlarini rivojlantirish	203
Xolmirzayeva Sh. M. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida steam ta'lim texnologiyasini qo'llash orqali bolalarda ijodiy faollikni rivojlantirish	206
Tursoatova G. T. Syujetli rolli o'yinlar orqali maktabgacha o'rta yosh guruhi bolalarning axloqiy sifatlarini shakllantirish	210

гия йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори // <https://lex.uz/docs/4945470>.

2. Модульно-компетентностный подход в российской системе довузовского профессионального образования: теория и практика / под ред. Н.Ю. Посталюк. – Самара: Учебная литература, 2006. – 192 с.

3. Аксенов, В.В. Экономические деловые игры. Подход к изучению дисциплины «Анализ хозяйственной деятельности» [Электронный ресурс] <http://ecsocman.hse.ru/text/18670745/>.

4. G.S.Ergasheva Improving The Effective Use Of Interactive Software For Biology Education // European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 01, 2020. Pp. 3594 – 3601.

5. G.S.Ergasheva, M.Raupova Quasi-berufliche Tätigkeit ist die basis erfolgreicher beruflicher Tätigkeit (am beispiel eines zukünftigen biologielehrers) // Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities ISSN 2749-0866 Vol.2 Issue 1.5 Pedagogical sciences <http://berlinstudies.de/> – Pp. 468-484.

6. G.Ergasheva, M.S. Usmonova Methodology for forming basic and special-subject competences of pupils based on an integrative approach // International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022.Pp.

7. Ergasheva G.S., Azizova A. Improving the methodology for assessing the biological competence of pupils in high school // Journal of Lifelong Education. -Tashkent. No. 6. 2020-S. 91-94.

8. Шехонин А.А., Тарлыков В.А., Клещева И.В., Багаутдинова А.Ш., Будько М.Б., Будько М.Ю., Вознесенская А.О., Забодалова Л.А., Надточий Л.А., Орлова О.Ю. Компетентностноориентированные задания в системе высшего образования. СПб: НИУ ИТМО, 2014. – 98 с.

9. G.Ergasheva, K.Saidova Pedagogical aspects of creating a fund of assessment tools for the // The scientific heritage (Budapest, Hungary). No 88 (88) (2022). –С. 62-65.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий-методик фаолиятга тайёрлашда компетентли-йўналтирилган таълимнинг имкониятлари, моҳияти, компетентли педагог шахсини шакллантиришда компетентли ёндашув, компетентли-йўналтирилган топшириқларнинг аҳамияти хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются возможности и сущность компетентностно-ориентированного образования в подготовке будущих учителей биологии к профессионально-методической деятельности, компетентност-ный подход к формированию компетентной личности педагога и значение компетентностно-ориентирован-ных задач.

SUMMARY

The article discusses the possibilities and essence of competence-oriented education in the preparation of future biology teachers for professional and methodological activities, the competence-based approach to the formation of a competent personality of a teacher, and the significance of competence-oriented tasks.

ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ

Мухаммедов Ш.Қ.

Чирчиқ давлат педагогика университети, Табиий фанлар факультети, ўқитувчи

Таянч сўзлар: табиий фанлар, касбий-методик тайёргарлик, кредит-модул тизими, мустақил таълим, касбий фаолият, масофавий курслар, индивидуал фаолият, гуруҳли фаолият, оммавий фаолият.

Ключевые слова: естественные науки, профессионально-методическая подготовка, кре-дитно-модульная система, самостоятельное обучение, профессиональная деятельность, дис-танционное обучение, индивидуальная деятельность, групповая деятельность, общественная деятельность.

Key words: natural sciences, professional-methodical preparation, credit-modular system, self-education, professional activity, distance learning, individual activity, group activity, social activity.

Мамлакатимизда кимё ва биология фанларини ривожлантириш, ушбу йўналишларда таълим сифати ва илм-фан натижадорлигини ошириш, олий таълим сифатини янги босқичга кўтариш, бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, кредит-модул тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг самарали механизмларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 1-6-синфларда атрофимиздаги олам, табиатшунослик, география, биология, физика фанлари ўрнига Табиий фан (Science)ни жорий этишни белгилаб бериш билан бир қаторда, “ўрта махсус, профессионал, олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланиш борасида узвий боғлиқлик, самарали мулоқот ва ҳамкорлик йўлга қўйилмаган”лиги аниқлаб берилди. Бу ўз навбатида педагогика олий таълим муассасаларида “Табиий фанлар”ни ўқитишнинг методик тизимини ва талабаларни касбий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳар бир фанни ўқитишни самарадорлигини ошириш бевосита малакали ва етарлича касбий тайёргарликка эга, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг инновацион-дидактик механизмларини ишлаб чиқиш, “Табиий фанлар” ва “Табиий фанларни ўқитиш методикаси” фанини авваллари мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишлари талабаларига ўқитилган “Табиатшунослик”, “Табиатшуносликни ўқитиш методикаси” фанлари негизида ўқитишни йўлга қўйиш ҳамда уни такомиллаштириш, бу фан бўйича мустақил иш топшириқларини лойиҳалашнинг самарали йўллари аниқлаштириш мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади ва талабалар мустақил таълимини самарали ташкил этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, талабалар мустақил таълимини такомиллаштиришда “ўқув дастурлари асосида билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириши, машғулотларга қатнашиши, уларга мустақил тайёргарлик кўриши” га қадриятга йўналтирилган муносабатни таркиб топтириш, табиий фанларни ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида мустақил ишларни ташкил этишнинг хусусий-методик технологияларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса, олий таълим муассасаларида табиий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган мустақил таълимни ташкил этишнинг методик тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Янги фанни ўқитишни самарали ташкил этиш ўқувчиларни кичик ёшидан табиий фанларни ўқишга рағбатлантириш, уларда олам ҳақида яхлит тасаввур пайдо қилишга эришиш, турли биологик, кимёвий ва физик жараёнлар тўғрисидаги дастлабки илмий тушунчаларни эгаллаш ҳамда табиий фанлар – кимё, биология, физика, география фанларини яхши ўзлаштиришга пойдевор бўлади.

Табиий фанларни ўқитишда талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда мустақил таълимнинг ҳар хил ташкилий шакли ва турларидан фойдаланилади. Мустақил таълим ўтказиш жойи ва вақти, дидактик мақсадлари, вазифаси, даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлиги, ўқув фаолияти турлари, ўрганиладиган материал фан ичидаги ва фанлараро алоқалар нуқтаи назаридан келиб чиқиб тавсифланади [4]. Талаба мустақил таълими ўқув машғулотлари жадвалдан ташқарида

мустақил равишда амалга оширилиши; индивидуал топшириқлар асосида бажарилиши, замонавий таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланишни назарда тутиши, фан бўйича аудитория машғулоти билан биргаликда, параллел равишда ва олиб борилиши, аудиториядан ташқари мустақил ишлар аудитория машғулоти билан узвийликда қатъий тартибда амалга оширилиши каби бир қатор хусусиятларга эга [8-е].

Талаба мустақил таълими муайян таркибий компонентларга эга бўлиб, дидактик жараённинг тизимлилигини ва узвийлигини таъминлайди. Талаба мустақил таълимини ташкил этиш учун дидактик жараёнда дастлаб талабаларда ички ва ташқи мотивациясини шакллантириш зарур. Бу муайян педагогик ва ташкилий шароитни талаб қилиб, маълум йўналишдаги тамойиллар ва дастур асосида амалга ошириладиган мақсад, мазмун, метод, воситалар ёрдамида мустақил таълимнинг ташкилий шаклларида талабаларнинг мустақил фаолияти амалга оширилади [7].

Табиий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда мустақил таълим учун тузиладиган топшириқларни қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим:

1. Талабаларнинг ақлий, иродавий ва жисмоний кучларини талаб этувчи топшириқлар;
2. Табиий объект ва ҳодисаларга оид тушунча, қонун, қонуният, назарияларни билиш ёки амалий вазифалар характеридаги топшириқлар;
3. Турли биологик, экологик, географик, кимёвий, физикавий ҳодисаларга оид муаммоли вазиятларни ўзида мужассамлаштирувчи топшириқлар;
4. Табиий ва биологик билимлар ва амалий характердаги вазифалар ечимини топишда, ўзлаштирган билимларидан ноодатий вазиятларда қўллай олишга ундовчи, ижодий ёндашувни талаб этувчи мустақил таълим топшириқлари;
5. Талабалар ўз фаолиятини режалаштириш, уни илмий ташкил этиш, бошқаларнинг ёрдамисиз вазифаларни бажариш, иш натижаларини мақсадга қиёслаб баҳолашини кўзда тутувчи ишлар;
6. Бакалавр-талабаларнинг мустақил таълими жараёнида мунтазам равишда ишнинг бориши, натижаларни назорат қилиш, керакли ҳолларда ўзгартиришлар киритиш, билимлар ва амалга оширишни такомиллаштириб боришни кўзда тутувчи топшириқлар;
7. Мустақил таълим топшириқларида қўйилган вазифаларни талабалар томонидан тўлақонли бажарилишига эришиш [5].

Олий таълим муассасаларида табиий фанларни ўқитишда талаба мустақил таълимнинг ташкилий шаклларида фойдаланилади:

1) ОТМда фанларни ўзлаштиришда касбий фаолиятга тайёрланиш (А) илмий-назарий тайёргарлик; Б) педагогик-психологик тайёргарлик; В) технологик-информацион тайёргарлик; [8-е].

2) Масофавий курслар – семинар, вебинар, конференциялар, олимпиадалар, форумлар ва бошқа танловларга қатнашиш [7].;

3) Индивидуал мустақил таълим – илмий-тадқиқот ишлари, илмий-методик ва ўқув адабиётларини ўрганиш, дарснинг турли ностандарт шакллари устида назарий ишлар олиб бориш ва дарс ишланмалар тайёрлаш, мустақил таълим жараёнида ўзини ва ўзаро назоратни йўлга қўйиш кабилар ҳисобланади [3].

Мустақил таълим, ўқув фаолиятини ташкилий шакли сифатида қуйидаги хусусиятларга эга: 1) мустақил таълим мақсадининг аниқ белгиланиши; 2) аниқ вазифаларнинг белгиланиши; 3) мустақил таълим натижаларини ифодалаш шакллари

аниқлиги; 4) мустақил таълим турларини текшириш усуллари аниқлиги; 5) ҳар бир талабанинг берилган топшириқни бажариши мажбурийлиги билан аҳамиятли ҳисобланади [6].

Мустақил таълимда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти методик жиҳатдан уч турда амалга оширилади:

1. Индивидуал фаолияти: маълум муаммо бўйича илмий-тадқиқотчилик ишларини амалга ошириш (курс иши (КИ), битирув малакавий иш (БМИ), реферат, маъруза, эссе, тайёрлаш; илмий-методик ва ўқув адабиётлари, интернет маълумотларини ўрганиш; дарс ишланмаларини лойиҳалаш, ўқув топшириқлари, дидактик материаллар тайёрлаш);

2. Гуруҳли фаолияти: аудиториядаги ўқув-билиш, машғулотлар, ўқитиш мазмуни ва методларини ташкиллаштириш ва аудиториядан ташқаридаги малакавий ва ўқув дала амалиёт даврида кузатиш ишларини олиб бориш, амалий топшириқларни бажариш, экскурсияларни ташкил этиш жараёнида амалга оширилади;

3. Оммавий фаолияти: аудиториядан ташқари турли конференция, учрашув, давра суҳбати, танловлар, талабалар форуми, фестиваллар, лойиҳаларда иштирок этиш давомида амалга оширилади [7].

Хулоса қилиб айтганда, янги – табиий фанни ўқитишда унинг мазмунини ўқувчи томонидан тўлақонли даражада ўзлаштирилиши, мақсадни белгилаш ва уни амалга оширишни методик жиҳатдан ташкил этиш бўлғуси мутахассис ўқитувчилардан табиий фанларни чуқур ўзлаштиришни, етарли даражада касбий-методик ва педагогик-психологик тайёргарликни эгаллашда мустақил равишда фаолият юритишни талаб этиш билан бирга мустақил таълим жараёнида талабаларга ўз билимини ошириш, жамоа тажрибасини ўрганиш, ўз касбий-методик тайёргарлигини орттиришга имконият яратади. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида табиий фанларни ўқитишда фойдаланиладиган дарсликларни такомиллаштирилган вариантларини, ўқувчи ва ўқитувчилар учун мустақил фойдаланишга фойдаланишга мўлжалланган ўқув ва ўқув услубий қўлланмалар, электрон дастурий воситалар яратиш, олий таълим муассасарида тахсил олаётган талабалар учун эса табиий фанларни ўқитиш методикасидан 1-6-синфлар кесимида дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бу биз тадқиқотчилардан келгусида тинимсиз излаш ва қатор ишларни амалга оширишимизни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-637-сон. 23.09.2020 й. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. ПҚ-4805 12.08.2020
3. Ваганова О.И., Ермакова О.Е. Оценка образовательных результатов бакалавров профессионального обучения // Вестник Мининского университета. 2015. № 3 (11). С. 14. (62)
4. Куликова Т.А. Организация самостоятельной работы студентов вуза в информационно-коммуникационной обучающей среде. Дисс. к.п.н. Ставрополь -2011. 181с.
5. Давронов З., Илмий ижод методологияси. -Т.: “ИQTISODMOLIYA”, 2007, 216 бет.74
6. Ибодова М.Н. Биологиядан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ахборот ресурслари воситасида такомиллаштириш методикаси (академик лицейлар мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2019. 52-бет.
7. М.Ғ.Боратова. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда мустақил таълимдан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш (Биология ўқитиш методикаси фани мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Тошкент. 2022. 27-30-бет.

8. <http://elibrary.ru>; (Турянская Ольга Федоровна. Теоретические основы личностно ориентированного подхода к обучению. Атаджанов Хажибой Сабурович. “Электронное образование и подготовка студентов к самостоятельной научно-образовательной деятельности в условиях электронного обучения”).

РЕЗЮМЕ

Мақолада табиий фанлар тизимининг дастлабки тушунчалари ва мазмунини комплекс камраб олган таркибий тузилиши, табиий фанларни ўқитишда кредит-модул тизими шароитида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар ва уни такомиллаштиришда фойдаланиладиган мустақил таълим шакллари ва тошириқларининг мазмунини ҳақида маълумотлар қайд қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье содержится информация о структурной структуре, комплексно охватывающей исходные понятия и содержание системы естественных наук, организации самостоятельного обучения студентов в условиях кредитно-модульной системы преподавания естественных наук, требованиях к профессионально-методическая подготовка студентов, содержание форм и содержание самостоятельного обучения, используемых при ее совершенствовании.

SUMMARY

The article contains information about the structural structure that comprehensively covers the initial concepts and content of the system of natural sciences, the organization of self-study of students in the conditions of the credit-modular system of teaching natural sciences, the requirements for professional and methodological training of students, the content of the forms and content of self-study used in its improvement.

БИОЛОГИЯ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Ишбоева О.Х.

Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: учинчи Ренессанс, педагогик технологиялар, амонавий ахборот технологиялари, ўқув-услубий қўлланмалар, электрон платформаси, биологик таълим жараёни, тизимли ёндашув, компетентли ёндашув, технологик ёндашув, модулли ёндашув, инновацион ёндашув, мазмунли ёндашув, ахборотли-коммуникацион ёндашув, шахсга йўналтирилган ёндашув, таълим тизимини модернизациялашга мажмуали ёндашув, Халқаро баҳолаш дастурлари PIRLS TIMSS, PISA талаблари.

Ключевые слова: третий Ренессанс, педагогические технологии, социально-информационные технологии, учебно-методические пособия, электронная платформа, биологический образовательный процесс, системный подход, компетентностный подход, технологический подход, модульный подход, инновационный подход, содержательный подход, информационно-коммуникативный подход, личностно-ориентированный подход, комплексный подход к модернизации системы образования, требования международных программ оценивания PIRLS TIMSS, PISA.

Key words: third Renaissance, pedagogical technologies, social information technologies, teaching aids, electronic platform, biological educational process, system approach, competence-based approach, technological approach, modular approach, innovative approach, content approach, information and communication approach, personal - oriented approach, an integrated approach to the modernization of the education system, the requirements of international assessment programs PIRLS TIMSS, PISA.

Миллий мафкурамизнинг асосий мақсади “Озод ва фаровон ҳаёт, эркин ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш” ва Янги Ўзбекистонни қуриш, жараёнидаги кенг қўламли демократик ўзгаришлар Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вақтида бу борадаги ишларни амалга оширишда давлатимиз таълим соҳаси олдида Ватан равнақи, юрт тинчлиги йўлида хизмат қиладиган ёш авлодни комил инсон даражасида тарбиялаш каби муҳим устивор вазифаларни

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 6/6**
Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 22.12.2022. Форматы 60x84^{1/16}

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шэртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

